
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ РИШТОН ТУМАНИДАГИ "KOSTO LINE HOLDING" МЧЖ КЛАСТЕРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲА БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан биргаликда Риштон туманида бўлиб, "Kosto line holding" МЧЖ кластерида амалга оширилаётган лойиҳа билан танишди.

Айни кунларда бу ерда 12 млн. евролик инвестиция ҳисобига тўқувчилик фаолиятини модернизация қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Корхонага Германия, Италиянинг замонавий технологияларини ўрнатиш ишлари якунланмоқда, октябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада қўшимча 100 та янги иш ўрни яратилади, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда жамиятда 1200 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Вилоят раҳбари лойиҳа жараёнини кўздан кечириб, масъулларга корхона таъсисчисининг божхона, электр энергияси билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-17 10:00:27